

Сув омбори гидрокимёвий режимига таъсир этувчи сув сифатини баҳолаш

Махсус меъёрий талаблар: сувларнинг минерализацияси 1000 мг/дм³ дан, Cl⁻ - 350 мг/дм³, SO⁻²⁷₄ - 500 мг/дм³, NH₄ - 20 мг/дм³, NO₃ - 10,0 мг/дм³, Fe - 0,0 мг/дм³, БПК₅ - 3,0 мг/дм³ молекуляр кислородники, эриган кислород 4,0 мг/дм³ дан ёзда эса 6,0 мг/дм³, водород кўрсаткичи (Н_р) 6,5- 8,5 оралигида бўлиши керак.

Ҳар бир ишлаб чиқаришнинг иш фаолиятига қараб, сувнинг меъёрий қаттиқлиги 2 дан 7 ммол/ дм³ гача ўзгариб туради.

Сув омбори сувларининг умумий қаттиқлиги меъёрдан 2- ммол/ дм³ дан ошиб кетади. Сувнинг каттиқлиги 2 дан 5 ммол/ дм³ гача бўлган сув омборига Охангарон киради. Сув омборининг иншоотлари ҳавзадаги сувнинг шўрлиги ва агрессивлиги таъсирида емирилиши кузатилди. Сув омборида сув алмашинув жараёнларини секинлашуви, сув сифатини ёмонлашуви, минерализациясини ортишига сабаб бўлади. Сув омборидаги сувнинг юқори даражада минераллашганлиги ва агрессивлиги сув омборлари тупроқли дамбаларни уқаланиб емирилишига олиб келади. Мазкур ҳолатнинг асосий сабаби шимилаётган сувнинг шўрлик даражаси кўрсатилади.

Охангарон сув омборида сув сифатининг меъёрий миқдорларидан ортиқ бўлган кўрсаткичлари

№	Сув омборлари	РЭМ дан юқори бўлган кўрсаткичлар	
		хўжалик ичимлик учун	балиқ хўжалиги учун
1.	Охангарон	Ф, КБХЭ	Ф, Н, П, Zn, Cu, Cr

Белгилашлар : ΣU – тузлар йиғиндиси, Ф – феноллар; УҚ-умумий қаттиқлик, КБХЭ – кислородга бўлган биокимёвий эҳтиёж; Н – нефт маҳсулотлари; П – пестицидлар.